“Қутадғу билиг” асарининг марказий қаҳрамонларидан бири Ойтўлдидир. Ойтўлди ўзига яраша рамзий маънога эга адабий қаҳрамон. Унинг туркий исмидаги ой ва тўлди атамалари тағмаъносида билим олгани сари ойдайд тўлишиб бораётган, мукамалликка интилаётган шахс деган тушунчалар ётади. “Ойтўлди – демак у билим эгаллаш риёзатлари билан ҳилол – янги ой эдим, ойдайд тўлдим”³. Билимнинг инсонни мукамаллаштирувчи, барча камчиликларини тuzатувчи, ҳаётидаги қийинчиликлар ва машаққатларга маъно-мазмун бағишловчи омил эканини шоир Ойтўлдига мужассамлаштирган. Асар сюжетида Ойтўлди тилидан билимнинг қадру қиммати ва азизу мукаррамлиги хусусида, унинг фалсафий моҳияти ва ижтимоий вазифалари бўйича қатор фикрлар бериб борилади. “Асар қаҳрамонлари жонли шахслар – Элиг – Кунтуғди – адолатли, инсофли ҳукмдор, Ойтўлди – донишманд, тадбирли, тажрибали аллома, мураккаб характерли шахс, юрт, жамиятга фойдаси тегишини ўйлаб пойтахтга келади ва мусофирпарвар Кўсалиш ёрдамида Элигнинг Хос Ҳожиби Эрсиг билан танишиб, у туфайли Кунтуғди саройига кириб боради”⁴. Шу ўринда билимнинг прагматик моҳияти ҳақида Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзига хос ёндашуви сингдириб юборилган. Маълумки, тарихда билимдон инсонлар, илм эгаларининг ҳукмдорларга хизмат қилиши, уларга маслаҳатгўй бўлиши ҳақидаги қизиқарли қарашлар бор. Масалан, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг № 1251 интернет-ОАВ гувоҳномаси асосида фаолият кўрсатадиган islamonline.uz нашрида Ашраф Али Таҳонавийнинг “Ҳақиқий уламолар ким” ким деб номланган мақорласидан парча

¹ Бакланов И.С., Бакланова О.А., Авдеев Е.А. Знание в современных социальных процессах: прагматический и экзистенциальный аспект // Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 3.

URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=13341> (Мурожаат этилган сана: 06.08.2022).

² <https://uza.uz/uz/posts/turkiy-khal-larning-bobokalon-shoiri-va-mutafakkiri-03-10-2019> - Туркий халқларнинг бобокалон шоири ва мутафаккири

³ Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев таъдиди. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 14.

⁴ Мадалиева Я. ва бошқ. “Қутадғу билиг”нинг бадиий тили.// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 266.

келтирсак: “Бешинчи аломат: Олим султонлар ва ҳокимлардан узоқ бўлсин.

Охират уламоларининг бешинчи аломати заруратсиз ўринларда султонлар ва ҳокимлардан узоқ бўлсинлар. Уларнинг ҳузурига ҳаргиз бормасинлар. Балки ҳокимларнинг ўзлари олим ҳузурига келсинлар. Улар билан кам мулоқот қилсинлар. Чунки улар билан кўп мулоқотда бўлиш, уларга ҳушомад ва розилиklarини топиш мақсадида такаллуф кўрсатишдан ҳоли бўлмайди. Султон ва ҳокимлар кўпинча золим ва ножоиз ишларга берилган бўладилар. Уларни бундай ишларини инкор қилиш, зулмдан қайтариш ва ножоиз ишларига танбеҳ бермоқ лозим. Уларга сукут қилиш динда таназулга юз тутишдир. Уларнинг хурсандчилиги учун мақтаб, таъриф тавсиф қилиш очиқ ёлғончиликдир. Агар олим мол-дунё умидида уларга майл кўрсатса ва тамаъ қилса, бу ножоиз ишдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам уларга аралашин муфсид ишларнинг калитидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Кимнинг яшаши ўрмонда бўлса, у қаттиқ табиатли бўлиб қолади, тараққиётдан орқада қолиб кетади ва (ҳамма нарсадан) ғофил бўлиб қолади. Ким подшоҳнинг олдига кўп кириб-чиқаверса, у фитнага дучор бўлади”.

Ҳузайфатул Ямоний раҳматуллоҳи алайҳ: “Ўзингизни ўзингиз фитналар ўрнига қўйишдан сақланинг!” дедилар. Бир киши сўради: “Фитналар ўрни қаер?” Ул зот: “Амирларнинг дарвозаларидир. Кимки уларнинг ҳузурига бораверса, уларнинг нотўғри ишларини ҳам тасдиқлайдиган, уларни йўқ сифатлар билан мақтайдиган бўлиб қолади”, дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Олимларнинг ёмони ҳокимлар ҳузурига борадиганидир. Ҳокимларнинг яхшиси эса олимларнинг ҳузурларига келадиганидир”⁵.

Илм аҳли олдида турган катта масъулиятлардан умр бўйича машаққат билан тўплаган билимларининг қадрига етиш, уни вақтинчалик шон-шуҳрат ва бойлик йўлида қурбон қилмасликдир. Ҳукмдорларга изҳор этилган чиройли сўзлар ва лаганбардорликлар вақтинчадир. Ҳукмдорнинг марҳамати олимнинг илмига илм қўшмайди ва ўрганганларини зиёда қилмайди. Шу билан биргаликда бошқа муҳим масала ҳам эътиборда четда қолмаслик керак. Юсуф Хос Ҳожиб билимли, маърифатли инсоннинг давлат ва жамият олдидаги масъулиятига анча кенгроқ қарайди. Шу сабабли бўлсак керак, Ойтўлди пойтахтга, подшоҳ саройига хизмат учун

⁵ <https://islmonline.uz/index.php/islom/item/295-haqiqiy-ulamolar-kim> - Ашраф Али Таҳонавий раҳимаҳуллоҳнинг “Охират уламоларининг аломатлари” китобидан Тошкент шаҳар “Ҳазрати Алий” жоме масжиди имоми ноиби Камолиддин Равшан ўғлининг таржимаси. Мурожаат этилган сана: 06.05.2022 й

келади. Ҳақиқий олим сифатида Ойтўлди подшоҳ – Кунтуғди билан силлиққина тил топишиб кета олмайди. Улар ўртасида қарама-қаршилиқлар ҳам бўлиб ўтади⁶.

Юсуф Хос Ҳожиб қарашларининг энг муҳим жиҳати унинг билимга нисбатан прагматик ёндашувидир. Яъни билимли инсон ўз ўрганганларини инсоният фаровонлиги йўлида хизмат қилдириши керак, деган фикрга қатъий ишонади.

Бекга маслаҳатгўй бўлсанг ёнма-ён,
Ҳалол йўл кўрсатгин янглишгани он⁷.

Алломанинг фикрича, билим ҳукмдорнинг ҳошиш-истагидан муҳим ва юқоридир. Гарчи ҳокимиятнинг илоҳийлиги ҳақидаги қарашларга монанд фикрласа-да, Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдорнинг билимдон маслаҳатгўйнинг йўл-йўриқларига муҳтож эканини уқтириб ўтади. Чунки билимсизликнинг ўрнини на ҳокимият, на бойлик тўлдира олади. Билимгина инсонни ҳаётдаги барча қийинчилик ва муаммолардан халос этишга ёрдам бериши мумкин. Билимсиз инсон ўзига ва оиласига, атрофдагиларга зарар етказса, билимсиз ҳукмдор бутун жамиятнинг кулфатидир. Шу нуқтаи назардан алломанинг билимнинг детерминатлиги ҳақидаги концепцияси, унинг ҳукмдорлар учун панд-насихат тарзида ёзилган асарида марказий мавзулардан бирига айланган.

Зиёда маслаҳат билан билим бот,
Билим, кенгаш билан забардаст ҳар зот⁸.

Инсон томонидан эгалланган билимларнинг ҳаётга татбиқ этилиши – моддийлашуви сарой муҳитида маслаҳатлар орқали намоён бўлади. Билим инсонни бир поғона юқорига кўтарса, доно кишининг маслаҳати уни яна бир поғонага кўтарадиган омиллардандир. Шу билан бирга алолома: “Асар ғоясида ниҳоятда нозиклик билан қарғиш ёмон, қарғиш олишдан қочиш, ундан узоқ бўлиш таъкидланмоқда. Яна бошқа томондан олиб қаралса, давлат амалдори, ҳукмдор халқ олдидаги ўз бурчини бажармаса, қилиниши керак бўлган яхши ишларни қилмаса халқ томонидан баддуо қилинишига ишора қилинган”⁹.

⁶ Мадалиева Я. ва бошқ. “Қутадғу билиг”нинг бадиий тили.// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 266.

⁷ Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 266.

⁸ Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 566.

⁹ М.Арипов. “Қутадғу билиг”даги лингвомаданий бирликлар. Мадалиева Я. ва бошқ. “Қутадғу билиг”нинг бадиий тили.// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 127.

Бу орқали илм аҳли томонидан баён қилинган фикрлар аксарият ҳолларда маълум бир қонуниятларга бўйсуниб айтилган, хулосалар эса мантиқий жиҳатдан асосланганига эътибор қаратилади.¹⁰

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Юсуф Хос Ҳожиб давлат ва жамият тараққиёти бошқарувида олимнинг ўрни етакчи мақомда эканини, ҳукмдорни адолатга, маърифатга ва диёнатга чорлаб турадиган зотлар ичида билимли, маърифатли кишилар бўлиши кераклигини уқтиргани, шу сабабли асарда Ойтўлдиннинг узоқ сафардан саройга келиб вазир, маслаҳатчи бўлишини қайд этиб ўтганини кўришимиз мумкин. Демак билимли инсон жамият тараққиётига масъулдир ва бу йўлда ҳукмдорлар билан ҳаммаслак бўлиши зарур.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бакланов И.С., Бакланова О.А., Авдеев Е.А. Знание в современных социальных процессах: прагматический и экзистенциальный аспект // Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 3. URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=13341> (Мурожаат этилган сана: 06.08.2022).
2. <https://uza.uz/uz/posts/turkiy-khal-larning-bobokalon-shoiri-va-mutafakkiri-03-10-2019> - Туркий халқларнинг бобокалон шоири ва мутафаккири
3. Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 14.
4. Мадалиева Я. ва бошқ. “Қутадғу билиг”нинг бадиий тили.// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 266.
5. <https://islamonline.uz/index.php/islom/item/295-haqiqiy-ulamolar-kim> - Ашраф Али Таҳонавий раҳимаҳуллоҳнинг “Охират уламоларининг аломатлари” китобидан Тошкент шаҳар “Ҳазрати Алий” жоме масжиди имоми ноиби Камолиддин Равшан ўғлининг таржимаси. Мурожаат этилган сана: 06.05.2022 й
6. Мадалиева Я. ва бошқ. “Қутадғу билиг”нинг бадиий тили.// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 266.

¹⁰ Мухамедов Асрор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. Та’лим фидойилари, 13-09 , 28-32.

7. Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 266.
8. Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 566.
9. М.Арипов. “Қутадғу билиг”даги лингвомаданий бирликлар. Мадалиева Я. ва бошқ. “Қутадғу билиг”нинг бадиий тили.// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 127.
10. Муҳамедов Асрор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. Ta’lim fidoyilari, 13-09, 28-32.

ТОМОНЛАРНИНГ ЎЗАРО ТОРТИШУВИГА АСОСЛАНГАН ЖИНОЯТ ИШИ ЮРИТУВИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Махмадиёрова Хумора Ўктамовна

ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди

судья ёрдамчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7115371>

Ушбу мақолада жиноят ишини юритиш шакли, тортишув, унинг мазмуни, таркиби, аҳамияти ҳақида сўз боради. Бугунги кунда жиноят-процессуал шаклни такомиллаштириш, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, биринчи инстанцияда, апелляция, кассация инстанцияларида иш юритиш тартибини замон талабларига мослаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Шунинг учун мақолада процессуал шаклларни дифференциациялаш ёки унификация қилиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинган. Шу билан бирга, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси орқали мазкур институтни ривожлантириш юзасидан асослантирилган таклифлар ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тортишув, прокурор назорати, суд назорати суриштирув, дастлабки тергов.

Жиноят ишини судга қадар юритишнинг қандан шаклда мавжуд бўлиши процессуал ҳуқуқ назариясида олимлар томонидан доимий равишда ўрганилиб борилади. Тергов сифатини оширувчи ва ҳақиқатни аниқлашни осонлаштирувчи янги тартиб-қоидаларни хориж тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликка жорий этиш, унинг самарали ишлаб кета олишини илмий, амалий жиҳатдан асослантириш жуда муҳим. Жиноят ишини юритишга оид аксарият халқаро стандартлар ҳам асосан судда иш юритиш, одил судовни таъминлашга қаратилган бўлиб, судгача бўлган даврга кўп ҳам эътибор қаратилмаган. Бундан халқаро стандартлар кўпроқ англо-саксон ҳуқуқ тизимида кирувчи давлатлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиши керак, деган хулоса қилиш мумкин.

Англо-саксон моделда континенталь моделга хос бўлган анъанавий жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки тергов институтлари мавжуд эмас. Уларнинг ўрнига, полиция суриштируви (investigation) ташкил этилган бўлиб, у жиноят содир этилгач дарҳол амалга оширилиши, бу даврда бир қатор процессуал ҳаракатлар ва мажбурлов чоралари қўлланилиши керак бўлади. Полиция суриштирувининг якуни бўйича эса иш материаллари

ваколатли давлат органи (масалан, АҚШда Атторней хизмати)га тақдим этилади. Айнан ушбу ваколатли орган жиноят ишини тугатиш ёки уни судга юбориш масаласини ҳал этади. Мазкур тартиб миллий процессуал қонунчилигимиздаги прокурор томонидан айблов хулоса ёки далолатномани тасдиқлаб ишни судга юбориш ёки уни тугатишга ўхшаш бўлсада, асло уларни солиштириб бўлмайди. Умуман олганда, жиноят ишини судга қадар юритишнинг англо-саксон модели қўйидаги майда босқичларни ўз ичига олади : 1) жиноят ҳақида маълумот олиш ва уни рўйхатдан ўтказиш; 2) қамоққа олишгача бўлган тергов; 3) қамоққа олиш; 4) қамоққа олишдан кейинги маълумотлар тўплаш; 5) айблов ҳақида қарор қабул қилиш; 6) ишни судга тақдим этиш. Бошқача айтганда, ушбу моделда жиноят процесси судга қадар ва суд босқичида иш юритиш каби икки босқичга бўлинмаган, дастлабки тергов концепцияси ва уни ўтказишга масъул махсус ваколатли шахслар мавжуд эмас.

Романа-герман (аралаш) моделда ҳар бир жиноят бўйича иш қўзғатилиши, сўнг суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилиши шарт. Бироқ, бугунги кунда мазкур модель ҳам ўз ичига француз ва немисча кўринишларга эга бўлган шартли икки турга ажралган . Уларнинг биринчи кўриниши Франция, Испания, Белгия, Греция ва бошқа давлатлар жиноят ишлари юритувида узоқ йиллардан буён самарали ишлаб келмоқда. Мазкур французча аралаш моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, дастлабки тергов ёки суриштирув жараёнига суд ҳокимиятининг вакиллари ҳам масъул ҳисобланади. Жумладан, тергов судьяси бошқа процессуал ваколатлар билан бир қаторда жиноятларни тергов қилиш, тергов ҳаракатларини ўтказиш, далилларни тўплаш ва ишни судга кўриб чиқиш учун тақдим этиш ваколатларига эга . Немисча аралаш модел (Германия, Австрия, Италия, Польша, Швейцария ва бошқа давлатлар)да тергов ваколатли шахслар томонидан ва прокурор назорати остида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишини судгача юритиш романа-герман (аралаш) моделининг элементларини тўлиқ ўзида акс эттириб, унда шахсни қидириш ва унга нисбатан айблов шакллантирилишига асосий эътибор қаратилган ҳамда англо-саксондан фарқли равишда томонларнинг ўзаро тортишувига асосланмаган. ЖПКнинг 25-моддасига кўра фақатгина фақат судда ишларни юритиш тортишувга асосланган. Чунки терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахсларнинг тўлиқ назорати остида олиб борилади ва уларнинг процессуал ваколатларини ҳимоя

позициясидаги шахсларнинг далилларни тўплаш ва далилларга баҳо бериш билан боғлиқ ҳуқуқлари билан солиштириб бўлмайди. Бироқ, Н.В.Булановага кўра, судга қадар иш юритишда ҳам тортишув элементлари мавжуд бўлиб, бу дастлабки тергов ва суриштирув устидан суд назоратида кўринади. Мазкур турдаги назорат жиноят ишини судга қадар юритишда тортишувни таъминловчи кафолат саналади. Аммо бир қатор процессуалистлар фикрича, суднинг бу босқичдаги ишни мазмунан кўриб чиқиш имконияти чекланганлиги сабабли суд назорати тортишувчанликни қамраб ололмайди. А.В.Смирнов эса прокурор айблов ва ҳимоя тарафлар ўртасида арбитр вазифасини бажарувчи, зарурат бўлганда терговчиларнинг хатоларини бартараф этувчи шахс эканлиги таъкидлаб, прокурор назорати ҳам судга қадар иш юритишда тортишувнинг кучайишига хизмат қилишини билдирган. Прокуратура давлат айблов ҳокимияти органи ва судда давлат айбловини қўллаб-қувватловчи тузилма эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, процессуалист олимнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Бизнингча, суриштирув ва дастлабки тергов устидан прокурор назоратининг мавжудлиги тортишувчанликни таъминлаб бермайди.

Бугунги кунда юқоридаги икки судга қадар иш юритиш моделлари бир-биридан ижобий ютуқларни ўзлаштирган ҳолда такомиллашиб бормоқда. Баъзи манбаларда ҳаттоки англо-саксон моделнинг ижобий жиҳатлари ўрганилиб, давлатлар қонунчилигини кескин ўзгартирган ҳолда унга ўтиш бўйича ҳам баҳс-мунозаралар бўлиб туради. Б. Я. Гаврилов эса замонавий шаклдаги судга қадар иш юритиш жуда бюрократлашган ва харажатли эканлигини ўз тадқиқотида асослаб берган. Мазкур фикрни қўллаб-қувватловчилар судга қадар иш юритишни тўлиқ тортишувчанликка ўтказиб, ҳимоячига терговчи, суриштирувчилар билан параллел равишда процессуал ҳаракатларни амалга ошириб, мустақил равишда далилларни тўплаш ваколати берилишини таъкидлашади. Бироқ, юқоридаги олимлар англо-саксон моделга ўтишнинг ютуқларини, қайси муаммоларни қай даражада бартараф эта олиши юзасидан амалий асослантилган таклифларни бера олишмаган. Бизнингча, судга қадар иш юритишнинг англо-саксон моделидаги тортишувни ёппасига жорий жорий этиш иш юритувининг издан чиқишига олиб келади. Ундан кўра мавжуд институтларни такомиллаштирган ҳолда суриштирув ва дастлабки терговда тортишув элементларини кучайтириш зарур.

TARBIYA JARAYONIDA UMUMIY PEDAGOGIKANING O'ZIGA XOS O'RNI

Naimova Durdona

Jizzax viloyati Do'stlik tumani

20-umumiy o'rta ta'lim maktab o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7118607>

Tarbiya jarayoni shaxsni maqsadga muvofiq takomillashtirish uchun uyushtiriladi va tarbiyalanuvchining shaxsiga muntazam va tizimli ta'sir etish imkoniyatini beradi. Tarbiya jarayoni o'zaro bog'liq ikki faoliyatni - o'qituvchi va o'quvchi faoliyatini o'z ichiga oladi. Tarbiya jarayonida o'quvchining ongi shakllana boradi, histuyg'ulari va turli qobiliyatlari rivojlanadi, g'oyaviy, axloqiy, irodaviy, estetik xislatlari shakllanadi, tabiatga, jamiyatga ilmiy qarashlar tizimi tarkib topadi, jismoniy kuch-quvatlari mustahkamlanadi. Tarbiya jarayonida o'quvchida jamiyatning shaxsiga qo'yadigan axloqiy talablariga muvofiq keladigan xulqiy malaka va odatlar hosil qilinadi. Bunga erishish uchun o'quvchining ongiga (ta'lim jarayonida), hissiyotiga (darsda va turli sinfdan tashqari ishlarda), irodasiga (faoliyatni uyushtirish, xulqni idora qilish jarayonida) tizimli va muntazam ta'sir etib boriladi. Tarbiyalash jarayonida bulardan birortasi (ongi, hissiyoti, irodasi) e'tibordan chetta qolsa, maqsadga erishish qiyinlashadi.

Islom madaniyatining tarkibiy qismi-tasavvuf (sufizm) falsafasida inson ma'naviyatining, ruhiyati o'ziga xos uslublar orqali aks ettirilgan. Hazrat Abu Hamid al-G'azzoliy, Attor, Ahmad Yassaviy, Abduxoliq G'ijduvoni, Bahouddin Naqshband, Najmiddin Kubroning ta'lim-tarbiyaga, xulq axloqiga oid qarashlari shaxs pedagogikasida muhimahamiyat kasb etadi. Shuningdek o'rta asrlarning buyuk mutafakkirlari ya'ni Abu Nasr Farobiyning «Fozil odamlar shahri», «Kitob al Musiqi al-Kabir», «Katta musiq», Beruniyning «Mas'ud qonuni», «Hindiston», «Saydona», «Axloq haqida risola»sidagi ma'naviy-ma'rifiy masalalar, Abu Ali ibn Sinoning «Tadbiri manozil», «Axloq haqida risola», «Donishnoma», «Salamon va Ibsol», «Xay ibn Yakzon», «Tib qonunlari», Alisher Navoiyning: «Makorim ul-axloq», («Mukarram xulqlar»), «Badoiy ul-bidoya», («Go'zallikning boshlanishi»), «Navodir un-Nihoya», («Nodirliklar nihoyasi»), «Xazoyin ul-Maoniy», («Ma'nolar xazinasini») asarlarida insonni tarbiyalash g'oyalari hozirgi zamon bilan hamohangdir. Abdulla Avloniy, Mahmudxo'ja Behbudiy, Hamza Hakimzoda Niyoziy, Abdulla Qodiriy, Abdurauf Fitrat, Cho'lpon asarlaridagi ma'naviy-ma'rifiy qarashlar bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotganicha yo'q.

Buyuk ma'rifatparvar ziyolilarning g'oyalari milliy g'oya va istiqloq mafkurasining teran tomirlari bo'lib qolaveradi. Inson tarbiyasi va uning tarbiyalanganlik darajasi o'z davrining ilmiy-amaliy mezonlari bo'yicha tadqiq etishlik ko'p asrlik fan tarixiga ega. Insoniyatning yer yuziga kelishidan e'tiboran kishilar muayyan sotsiumning a'zosi tariqasida shaxslararo munosabatga kirishishi, muloqot o'rnatishi, muomala maromiga rioya qilishi lozim, deb belgilanishi tarbiyalanganlik o'lchovlarining vujudga kelishiga sabab bo'lgan. Taraqqiyot, ijtimoiy ong, aql-zakovat, komfortga intilish hissi tarbiyalanganlikning ham harakatlantiruvchisi, ham mexanizmi, ham zarurat ekanligini ta'kidlovchi omil bo'lib xizmat qilgan va bundan keyin ham ko'p funksional vazifani ado etaveradi. Tarbiyalanganlikning asosiy belgilari quyidagilardan iborat, deb hisoblaydi mutafakkir Alisher Navoiy: - jahl chiqqanda o'zini bosa olish; har bir ishni qilganda «yetti o'lchab bir kesish», sir saqlay olish, mulohaza qilib, ayrim gaplarni ichga yutish; - doimo ishonch bilan yashash va olg'a intilish; andisha chegarasidan chiqmagan holda dadil bo'lish; bir ishni boshlagandan keyin uni oxiriga yetkazmay qo'ymaslik; - topgan-tutganini tejab-tergab sarflash va hokazolar. Az-Zamaxshariyning fikricha, tarbiyalanganlikning o'nta nishonasi farqlanadi: - birinchisi - xalq to'g'ri deb topgan narsani noto'g'ri deb qaramaslik; - ikkinchisi - o'z nafsigacha erk bermaslik; - uchinchisi - birovdan ayb qidirmaslik; - to'rtinchisi - yomonlikni yaxshilikka yo'yishlik; - beshinchisi - agar gunohkor uzr surasa, uzrini qabul qilish; - oltinchisi - muhojirlar hojatini chiqarish; - yettinchisi - el g'amini yeish; - sakkizinchisi - o'z aybini tan olish; - to'qqizinchisi - el bilan ochiq yuzli bo'lish; - o'ninchi - odamlar bilan shirin muomalada bo'lish. «Xushxulqlik, yaxshi muomala, shirin so'zlilik va olijanoblik - tarbiyalanganlikning asl belgilaridan», - deb ta'kidlaydi G'aybulloh as-Salom¹. «Xushxulqli, yaxshi tarbiya ko'rgan kishi yaqinlari, yoru do'stlari uchun misli o'chmas chiroqdir», - deb yozadi Servantes. «Tarbiyalanganlik-jamiyatda qabul qilingan axloqiy normalarga bo'ysunish va o'zgalaming nafratini qo'zg'atadigan xatti-harakatlardan o'zini tiya bilish»². Abdulla Avloniyning fikricha: «...xulq-nafsning suvrati» bo'lsa, Hamza Hakimzodaning ta'riflashicha: «Axloq xulqni ja'midur. Axloq ikki qism bo'lur. Biri axloqi husniya (yaxshi xulqlar), ikkinchisi axloqi zamima (yomon xulqlar)dur. Axloqi husniya insoniyat olamining bir gulshanidirki, anda hayo, qilm, saxo, qanoat, rizo, shukr, sabr, tavba, sidh, tavoz'u, ajz, faqiga o'xshash adolat gullari bila muzayyan va muattar o'lur. Axloqi zamima bir

¹ G'aybulloh as-Salom. Ezgulikka chog'lan, odamzot. - Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi san'at va adabiyot nashriyoti, 2000, 67-b.

² M. Qurbonov. Ijtimoiy pedagogika. - Toshkent, 2003, 41-b.

sho'razoredurki, oni aksincha jaf, zulm, hasad, kibr, kufr, tama', g'azab, nifoq, gasb, namima, kizb, bo'hon, g'iybat, buxl, xiyonat, isrof, qirs, poyriq, ta'jil, fitna, hosil; bunga o'xshash turli qabohat nimarsadan boshqa shaylar ko'karmaslar». Demak, tarbiyalanganlik barcha ijobiy xulqlarni o'zida mujassamlashtirib, salbiy xulqlardan forig' bo'lish demakdir.

Yoshlarda axloqiy xislatlar bilan birga, umuminsoniy fazilatlamini, ma'naviy sifatlarni tarbiyalashda pedagogik diagnostika va kooreksiyalash faoliyatiga murojaat etish zarur. Buning uchun, eng awalo, inson fazilatlarining o'zaro munosabatlarini va o'mini aniqlab olmoq lozim. Ma'naviyat esa aqliy, axloqiy, huquqiy, iqtisodiy va siyosiy bilimlar zamirida shakllanadi. Mazkur bilimlar o'z navbatida inson ijobiy sifatlarining kamol topib, boyib borishiga olib keladi. Rejali va maqsadli o'qitish va tarbiyalash jarayonida natijalarni aniqlash zaruriyati pedagogik diagnostikani vujudga keltirgan. Old ibtidosida bu natijalar oddiy pedagogik metodlar orqali aniqlangan.

Pedagogika tarixidan ma'lumki, ta'lim-tarbiyadan, tarbiya rivojlanishdan ajratib tekshirilmagan. XVIII asming ikkinchi yarmiga kelib Rossiya pedagogikasida tarbiya masalalarini alohida ko'rish hollari uchraydi. «1806-yilda chiqarilgan Rossiya Akademiyasi lug'atida birinchi bor tarbiya so'zi pedagogik tushuncha sifatida alohida keltiriladi»³, - deb ta'kidlaydi I.Tursunov. «Tarbiya-ma'naviy manbalar va hozirgi zamon talablari ehtiyojlarining nazarda tutgan holda o'qituvchining o'quvchi bilan aniq bir maqsadga qaratilgan o'zaro amaliy va nazariy muloqotidir»⁴. «Tarbiya-tarbiyachi xohlagan sifatlarni tarbiyalanuvchilar ongiga singdirish uchun tarbiyalanuvchining ruhiyatiga muayyan suratda va tizimli ta'sir ko'rsatish jarayonidir»⁵. Qat'iy ishonch bilan aytish lozimki, degan edi Prezident I.Karimov O'zbekiston teleradiokompaniyasi muxbiri bilan muloqotda, ma'naviy boylik moddiy boylikdan ming bor ustun, shu bois biz ta'lim-tarbiya masalasiga davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida yondoshmoqdamiz. Kadrlar tayyorlash haqida Qonun qabul qilingan milliy dastur ham mohiyat e'tibori bilan shu maqsadni amalga oshirishga qaratilgan. Biror-bir maqsadga qaratilgan tarbiya jarayonining mohiyati va vazifalari tarbiyachi tomonidan rejalashtiriladi va tartibga solinadi: a) o'quvchining qaysi xislatini shakllantirish yoki yo'qotish maqsadida rejalashtiriladi. b) shu xislatlarni tarbiyalash yoki yo'qotish uchun xizmat qiluvchi manbalar izlab topiladi. d) belgilangan maqsad uchun xizmat qiladigan

³ I. Y. Tursunov. U.N. Nishonaliyev. Pedagogika kursi. - T.: «O'qituvchi», 1997, 172-b.

⁴ N G'aybullayev Pedagogika. -T., «Universitet», 2000, 48-b.

⁵ J. Hasanboyev, H. Sariboyev, G. Niyozov. Pedagogika. — T., «Fan», 2006, 17-b.

nazariy va amaliy manbalarni qaysisini va qayerda ishlatish rejalashtiriladi. Bunday rejaga solinib, olib borilgan tarbiya mohiyatini ta'lim-tarbiya tizimi jamiyat va insonlarning intellektual va jismoniy faoliyati tashkil qiladi.

O'ZBEKISTONDA SANOAT-INNOVATSION STRATEGIYASINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Usmonov Ziyodulla Ulmas o'g'li

Qashqadaryo viloyat Kasbi tumani XTBgga qarashli 14-maktab iqtiso va matematika fani o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7118626>

O'zbekiston Respublikasida sanoat-innovatsion rivojlanish strategiyasi iqtisodiyotni diversifikatsiyalash va modernizatsiya qilish, mahsulotlarning raqobatli turlarini ishlab chiqarish va tovarlar eksportini o'stirish uchun sharoitlar yaratish asosida mamlakatning rivojlanishini o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan.

Iqtisodiyotning yengil sanoati va boshqa tarmoqlarida raqobatbardosh va eksportga yo'naltirilgan tovarlar ishlab chiqarish davlat sanoat-innovatsiya siyosatida asosiy ahamiyatga ega. Biroq oxirgi yillarda mamlakatda iqtisodiy o'sishning yuqori sur'atlari asosan resurslarni ishlab chiqarish va eksport qilishning jadal rivojlanishi hisobiga erishildi va bu milliy iqtisodiyotning ishlab chiqarish inqirozini bartaraf qilishiga imkon berdi. SHu asosda O'zbekiston jahon hamjamiyatida bozor iqtisodiyotiga asoslangan davlat sifatida tan olindi.

Qabul qilingan strategik rejaga muvofiq O'zbekiston ochiq iqtisodiyotli, tovarlar eksportiga yo'naltirilgan, dunyodagi barcha mamlakatlar bilan o'zaro manfaatli hamkorlik va raqobatga asoslangan mamlakat sifatida shakllanmoqda. Shu bilan birga O'zbekiston yirik yoqilg'i va mineral xomashyo salohiyatini mujassamlashtirgan mamlakat sifatida sanoatning qayta ishlash tarmoqlariga investitsiyalar kiritish uchun jozibadorligi kam hisoblanadi. Bu esa mamlakat iqtisodiyotini xomashyo resurslari bozorida kon'yunktura o'zgarishlariga ta'sirchan va sezuvchan qilib qo'yadi.

Mamlakatda iqtisodiyotning tashqi omillarga ta'sirchanligini kamaytirish uchun yuqori texnologiyali ishlab chiqarish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Shu sababli sanoat-innovatsion rivojlanish strategiyasini amalga oshirar ekan, O'zbekiston raqobatbardosh va samarali milliy iqtisodiyotni shakllantirish uchun tadbirkorlikni har tomonlama qo'llab-quvvatlashi va qulay sharoitlar yaratishi lozim. Bunda asosiy maqsad xomashyoga yo'nalganlikdan boshqa yo'nalishga o'tishga, shuningdek, davlat sanoat-innovatsion siyosatining bosh predmeti hisoblangan qayta ishlash sanoati va xizmatlar sohasida uzoq muddatli istiqbolda raqobatbardosh va importga yo'naltirilgan tovar va xizmatlar ishlab chiqarishga o'tishga xizmat qiluvchi iqtisodiyot tarmoqlarini diversifikatsiyalash yo'li bilan mamlakatning barqaror rivojlanishiga erishish hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi sanoat-innovatsion siyosatida potensial raqobatbardosh, jumladan, iqtisodiyotning xomashyo yo'nalishidagi sektorlarida faoliyat ko'rsatuvchi eksportga yo'naltirilgan ishlab chiqarishlarni yaratish va rivojlantirish ustuvor ahamiyatga ega.

Bunda davlat sanoat siyosatiga barcha yondashuvlar uch toifaga borib taqaladi: investitsiyalarni muvofiqlashtirish, ishbilarmonlik hamkorligini rivojlantirish va bozorni egallash.

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi sanoat-innovatsion rivojlanish strategiyasida ko'zda tutilganidek, faol davlat siyosatining ishbilarmonlik hamkorligini rivojlantirish bo'yicha tashabbuslar quyidagi yo'nalishlar bo'yicha bevosita tadbirkorlar bilan ishbilarmonlik aloqalarini mustahkamlashga yo'naltirilishi mumkin: xaridorlarning ixtisoslashgan toifalari yangi bozor "nisha"larini shakllantiradi va mahsulot standarti bo'yicha axborot manbasi hisoblanadi; asbob-uskunalar ta'minotchilari u bilan birga ishlab chiqarish tajribasini ham uzatadilar; resurslar ta'minotchisi ishlab chiqarishning yangi usul va g'oyalarning paydo bo'lishiga xizmat qiladi, raqobatchilar esa yangi g'oyalarning boy manbasini taqdim etadilar. Bunda davlat rivojlanish institutlari orqali texnologik va iqtisodiy qo'shilgan qiymat zanjirini ketma-ketlikda rivojlantirgan holda raqobatbardosh mahsulot yaratuvchi to'laqonli ishlab chiqarish tizimini yaratishga yo'naltirilgan loyihalarda ishtirok etishi lozim. Bu raqobatbardosh mahsulotning barcha ko'rsatkichlariga javob beruvchi yakuniy mahsulotga ishlaydigan ko'p tarmoqli korxonalar yaratishga imkon beradi.

Mamlakatning innovatsion siyosati va infratuzilmasi 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi milliy innovatsion tizimini shakllantirish va rivojlantirish dasturi asosida takomillashtirilmoqda. Milliy innovatsion tizimning rivojlanishi ikkita asosiy yo'nalishni ko'zda tutadi - innovatsion infratuzilmani yaratish va rivojlantirish hamda innovatsion faoliyat sub'ektlari o'rtasida samarali munosabatlar tizimini yaratish.

Mamlakatda sanoat-innovatsion siyosatni amalga oshirish uchun potensial raqobatbardosh, jumladan, eksportga yo'naltirilgan, qo'shilgan qiymat iqtisodiy zanjirini yaratuvchi ishlab chiqarish turlarini aniqlash maqsadida jahon bozorlarining rivojlanish tendensiyalari va tadbirkorlarning tashabbuslarini hisobga olgan holda vaqti-vaqti bilan iqtisodiyot tarmoqlarining rivojlanish zarur.

SHu bilan bir paytda Respublikada tarmoq qo‘shilgan qiymat markazlarida o‘z o‘rnini topishni nazarda tutgan holda jahon bozori va mintaqaviy bozorlarni tadqiq etishni kuchaytirish zarur.

Jahon tajribalarining ko‘rsatishicha, yangi ishlab chiqarish- texnologik tizimni shakllantirishda asos solishga ulgurgan mamlakatlar kapital qo‘llashning an’anaviy sohalaridan chiqib ketayotgan kapitalni tortish markazlariga aylanadi. Bu qatorga hozirgi kunda iqtisodiy jihatdan eng rivojlangan mamlakatlar (AQSH, Angliya, G‘arbiy yevropa mamlakatlari, YAponiya va boshqa ayrim mamlakatlar) kiradi.

SHu sababli maqsadli investitsion va ilmiy-texnik dasturlarni amalga oshirish, investitsion faollikni tartibga solish va innovatsion faollikni rag‘batlantirish O‘zbekiston Respublikasi sanoat-innovatsion rivojlanish strategiyasining eng muhim vazifalaridan biriga aylanadi. Bu esa, o‘z navbatida, sanoat-innovatsion rivojlanishning amaldagi davlat boshqaruv tizimini qayta ko‘rib chiqish va ma‘lum ma‘noda qayta qurishni talab qiladi. Ushbu vazifani hal etishning samarali bo‘lishi uchun amaldagi davlat rivojlanish institutlarining yangi tuzilmalari, xususan O‘zbekiston investitsion fondi, O‘zbekiston rivojlanish Banki, innovatsion fondni tashkil qilish lozim. Bu rivojlanish institutlari barqaror faoliyat ko‘rsatishi detsentralizatsiyalash, ixtisoslashuv va raqobat tamoyillariga asoslangan yagona tizimni shakllantirishi lozim.

**BADIIY USLUB INDIVIDUALLIGI
(LUQMON BO'RIXONNING "JAZIRAMADAGI
ODAMLAR" ROMANI ASOSIDA)**

Yulduz Turdiyeva

Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU

1-kurs tayanch doktoranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7122426>

Ulkan iste'dod va samarali ijodiy mehnatining mahsuli bo'lgan har bir asar muallifning "farzandi" kabidir. Zero, farzand ota-onadan boshqalarga o'xshamydigan tashqi ko'rinish, xulq-atvor, xarakter meros qilib olgani kabi yozuvchi asarida ham ungagina xos bo'lgan uslub, xususiyatlar, alohida jihatlar namoyon bo'ladi. Chunki "Har bir yozuvchining dunyoni ijodiy o'zlashtirish davomida orttirgan hissiyotlar tajribasi, olamni o'ziga xos ko'rish, idrok etish, tushunish va tushuntirish yo'li bo'ladi. Yozuvchining mahorati, tasvirlash san'ati, roviylik darajasi haqida gap ketganda ham, asosan, shu belgilar badiiylik mezon sifatida qaraladi." Luqmon Bo'rixonning asarlarini 'oqir ekansiz yozuvchining yuqoridagi badiiylik mezonlariga bog'langan o'ziga xos uslubini ko'rishingiz mumkin. Ayniqsa "Jaziramadagi odamlar" romanini badiiy tahlil etar ekanmiz, asarning o'zigagina xos bo'lgan e'tiborli jihatlariga duch kelamiz. Albatta, bu xulosa shu kunga qadar yozilgan, o'qilgan turli mavzudagi romanlar bilan o'zaro qiyosiy tahlil etish asnosida yuzaga keladi. Avvalo, ta'kidlab o'tish joizki, Luqmon Bo'rixonning o'ziga xos ifoda usuli o'quvchini o'ziga jalb qiladi. Asardagi kinoya, piching, qochirimga boy suhbatlar, chuqur ma'noni o'ziga berkitgan o'xshatishlar, achchiq kesatiqlar, shuningdek, samimiy kulgu o'rin olgan tasvirlar asar tilini individuallashtiradi. Asar qahramonlaridan O'roqning onasi Xosiyat xola kelin olganidan keyin butkul o'zgarishni boshlaydi, muallif bu jarayonni uzoqdan uzoq jumlar bilan tasvirlashdan qochib, bir, ikki so'z bilan Xosiyat xolaning ichidagi quvonchdan, baxtdan o'quvchini boxabar qiladi: "...Xosiyat xola, yo'q-yo'q Xosiyat opa, yo'q-yo'q, Xosiyat yanga esa o'zi bilan o'zi andarmon edi. Ahyon-ahyonda erka keliniga erkanib, uning rangsiz lab bo'yog'idan o'g'rincha surkab-surkab, o'z xusniga to'ymay hiring-hiring kuladi." Yozuvchining voqelikka bo'lgan nuqtai nazari, voqealarni kuzatishda yozuvchining nigohi, muallifning asosan qahramonlar ortida harakat olib borishi, ayniqsa, Samad obrazida namoyon bo'ladi va bu yozuvchini voqealar rivojiga, qahramonlar tasviriga to'g'ridan-to'g'ri aralashishidan to'xtatib qoladi. Aksariyat hollarda roman an'anaviy romanlar sirasiga kiritib kelingan, lekin haqiqatdan ham shundaymikan?! Aslini olganda, an'anaviy romanlar mezoniga ko'ra, bu romanda ham bir qaraganda ijobiy va salbiy qahramonlar borligi,

muhabbat mavzusi, ko'p kitobxonlar ko'nikib qolganidek urush tufayli ayriliq yuz berishi va shu kabi boshqa bir jihatlar romanni bu turga kiritishga sabab bo'lishi mumkin. Ammo romandagi boshqa o'ziga xosliklar asarning zamonaviy romanlar sirasiga kirishini ko'rsatadi. Bilamizki, ko'pgina roman voqealari bir-biridan mustaqil boblardan tashkil topganda, bobdan bobga o'tganda voqealardagi uzilish, keyingi bobda yangi mavzuning yoritilib ketilishi, mavzular o'rtasida to'xtalishlarga duch kelamiz. "Jaziramadagi odamlar" romani esa boblarga ajratilgan holda ham o'rtadagi uzilish kitobxonning e'tiborini tortmaydi, zanjirsimon voqealar rivoji boblarni bir biriga ergashtirib ketadi. Eng ajablanarlisi, bu bobning o'zini ham alohida hikoya sifatida asar ichidan yulib olish mumkinligidadir. Ikkinchi va uchinchi boblarni namuna sifatida keltirib o'tadigan bo'lsak, ikkinchi bob so'nggi harbiy xizmatga ketayotgan O'roqning Lolaxon bilan kinixonaga borgani va u yerdagi yorqin tuyg'ularning hislarga boy tasviri bilan tugaydi. Uchinchi bob "Fayzulla akaning xonadoniga kulfat doridi!" degan xabar bilan boshlandi va bob davomida O'roqning halok bo'lishi voqealari tasvirlanadi. Bu bob avvalgisidagi voqealar rivojining davomi bo'lishi bilan birga, alohida tugallangan mazmunga ega hikoyani eslatadi, shuningdek ikkinchi bob ham, zero muallif ikkinchi bobdagi hislar tasviri bilan voqealarga yakun yasab, xulosani o'quvchiga qoldirib kichik hikoya sifatida yulib olishi ham mumkin edi. Bundan tashqari asarda O'roq va Lolaxonning to'y sahnasi tasvirlangan bob ham bo'lib, undagi voqealar rivoji o'zbek qishloqlaridagi to'y jarayonini aks ettiruvchi alohida bir hikoyaga oxshaydi. Bir tomondan bu to'y asar voqealarining uzviy davomi, boshqa tomondan esa to'ydagi odatlar, Ashurning xurmacha qiliqlari, to'ydan keyingi to'yxonaning ahvoli kishiga qishloq to'yining kichik tafsilotini eslatadi. Muallifning asar qahramonlariga bo'lgan munosabati ham o'zgacha, aslida, asarda butunlay ijobiy yoxud butunlay salbiy qahramonning o'zi yoq, yozuvchi hatto bosh qahramonlarni ham oq-qora ranglarda tasvirlaydi. Qahramonlarini Samad obrazida o'quvchiga qadrli qiladi, gohida sevdirdi gohida tanqid qiladi. Asardagi voqealar rivojining markazida turuvchi Lolaxonning inson, tirik jon sifatidagi xohishlari, intilishlari uning idealligiga, qishloq qahramonining bevasi maqomiga putur yetkazsada, yozuvchi haqiqatdan, reallikdan yiroqlashmay, Lola va uning Shunqor Hobilga bo'lgan hislarini-da qalamga oladi, qahramoniga xolislik bilan munosabatda bo'ladi. Shoir kundaligida Lolaxon holati berilgan bu tasvir asli muallifning fikrlaridir: "Ana! Darrov o'zgardi! Darrov, gulday barq urib qoldi! Ana, atay chimrildi, atay jilmaydi. Kitoblar haqida boshlangan suhatimiz shaharga ko'chdi, undan hayot va turmushga o'tdi, nihoyat, oila haqida shivir-shivir boshladik. Men so'zlar sirli, jozibali chiqishi uchun atay pichirlab gapirdim. U mendan ham o'zib ketdi. Uning

shivir-shivirlaridan ich-ichida guvillab qaynab yotgan ehtiroslar to'foni baribir sezilardi." Roman individualligini aks ettiruvchi yana bir e'tiborli jihat bu romanda aniq geografik hududning ko'rsatilmaganligidir. Romanda keltirilgan makon, joy ta'riflaridan voqealar cho'l hududida bo'layotganini anglab olamiz, Mirzacho'l nomi qalamga olinishini asar oxirigacha taxmin ham qilshingiz mumkin. Ammo 41-sovxoza tegishli posyolka – qishloq respublikamizning aynan qaysi hududida ekanligi mavhumligicha qoladi. Bu holat, shuningdek, zamon tushunchasi bilan ham yuz bergan. Asardagi ayrim atamalar bu voqealar yurtimiz mustaqillikka erishishidan avval yuz berganiga ishora qilsa, boshqa bir voqealar esa vaqt borasida bizni ikkilantirib qo'yadi. Butun boshli romanda davr, zamon tushunchasi haqida so'z ketmaydi. Hattoki, asarning asosiy g'oyalarini ifodalashga xizmat qilgan qahramon O'roqning urushda halok bo'lgani tafsiloti, oqibatlarini asarning bir necha qismlarida tilga olinsada, aynan qaysi urush ekanligi ham noma'lum qoladi. Bu o'rinda yozuvchining aytmoqchi bo'lgan fikri, asarda ochib berilgan g'oya zamon, makon tanlamasligiga ishoradir. Ya'ni, kishining jamiyatdagi o'rni, insonlarning bir-biriga bo'lgan munosabatlaridagi soxtalik, shaxsning ma'lum qoliplarga solinib, inson sifatidagi xohish-istaklaridan ayro tushishi, ba'zi qadriyatlarining inson fojeasiga sabab bo'lishi, urush talofatlari har qanday zamonda, har qanday makonda mavjud degan fikr yotadi. Asarning o'ziga xosligi voqealar rivojining asosiy jihatlaridan bo'lgan muhim detallarni mavhum qilgan holda ham, asar hayotiyligini, badiiyligini ta'minlay olganidir. Zamon, makon tushunchalari o'quvchiga eslatilmaguncha ixtiyoriy tarzda ilg'ab olinmaydi ham, bu holat kitobxonni asar ta'siriga tushib qolishi bilan izohlanishi mumkin. Shuningdek, asarning nafaqat, yozilish uslubi, badiiyligi, balki g'oyaviy yo'nalishi ham o'ziga xoslik kasb etgan. An'anaviy uslubdagi asarlar tamoyillaridan olib qaralsa, romandagi O'roq obrazining harbiy xizmatdan tonishi, urushga bormaslik uchun har xil choralarni qilib ko'rishi vatanga xiyonat, vatan xoini, qo'rqqoqlik deya qoralanib butunlay salbiy obraz sifatida gavdalanishi kerak edi. Albatta, asardagi bir nechta obrazlar tilidan O'roqqa bu ta'na toshlari ham otiladi, oxir oqibatda esa shu qo'rqqoq yigit urush qahramoniga, vatan uchun jonini bergan siymoga aylanadi. Aslida, muallif jamiyat qolipga solib qo'ygan insonning ichidagi haqiqatini ko'rsatishni, uni boricha qabul qilishni maqsad qiladi. Zero, inson bu Yaratganing mo'jizasi, uni jamiyatdagi qotib qolgan qoidalar, aqidalar bilan chegaralash, baholash, xulosa chiqarish ba'zida uning halokatiga sabab bo'ladi. Shu qoliplardan qochishni maqsad qilgan yozuvchi O'roqning qilgan harakatlarini salbiy bo'yoqda ko'rsatib, O'roqni nochor ahvolda tasvirlaydi va kitobxonning rahmi kelib, unga qalban yaqinlashadi, shu yo'l bilan uni aslida ijobiy qahramon darajasiga olib

chiqadi. Haqiqatdan ham O'roq – qahramon qo'rqqoq emas, u har birimizning ichimizdan o'tgan, aytishga jur'at qilolmagan istagini ayta oladi, buni ojizlik deb bilmaydi. U oilasini, farzandini har qanday ishdan ustun qo'ya olgan, hamma jo'r bo'lib, "qahramonlik" deya og'iz ko'pirtirgan urushga borishdan ko'ra, yaqinlarini afzal bilgan, soxtalikdan holi, boricha ko'rinishdan, ichidagini, quvlik, ayyorlikni bilmasdan, boricha aytishdan qochmaydi oddiy qahramondir. Luqmon Bo'rixonning g'oyaviy yo'nalishda bir xillikdan qochib, yangi uslubni yaratish, yangi yo'ldan yurishga harakati bu ham bir yozuvchining badiiy individualligidir

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Эркин Худайбердиев. Адабиётшуносликка кириш: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 2008. – 368 б.
2. Луқмон Бўрихон «Жазирамадаги одамлар»: Роман. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт – манбаа ижодий уйи, 2012. – 324 б.
3. Ҳамидулла Болтабоев «Наср ва услуб» Тошкент, «Фан» 1992 104 б
4. Ўрол Носиров «Образларда услуб жилolari» Тошкент, «Фан» 1991 196б
5. Ҳ. Каримов «Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари»: Услубий қўлланма. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008 й. – 124 б.

ҚАДИМГИ ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТАБИИЙ-ИЛМИЙ БИЛИМЛАР

Пардаев Султонмурод

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети

2 курс таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7123616>

Аннататсия. Ушбу мақолада қадимги диний таълимотларда дунёни табиий-илмий манзарасининг асосий онто-гносеологик ўзига хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек ибтидоий динларнинг дунё табиий-илмий манзарасининг фан тараққиётига таъсири очиб берилган. Бу мақоланинг ахамиятли жиҳати шундаки, ҳозирги давр ва ўтмиш тараққиётининг долзарб диний ва фалсафий жиҳатлари илмийлик нуқтаи назаридан асослаб берилган.

Калит сўзлар: дастлабки дунёқараш, дунёқараш шакллари, мифология, аждодларга сиғиниш, натурализм, тотемизм, анимизм, қурбонлик, тангричилик.

Инсоният қадимдан бошлаб ўзини қуршаб турган табиат тўғрисида ўзига хос ёндашувларни илгари сурганлар. Бунинг натижасида одамлар дунёқарашида бир қанча дунёқараш шакллари юзага кела бошлаганлигини таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, уларга мифологик, диний, илмий ва фалсафий дунёқараш шакллари келтириш мумкин. Хусусан, дастлабки дунёқараш шакли бўлган мифология замирида бутун табиат жонли кўринишга эга, деб тасаввур қилинган бўлса, аксинча, диний дунёқараш замирида бутун табиат худо томонидан яратилган, деган ғоя муҳим аҳамият касб этади. О.Файзуллаев фикрича: „ Диний таълимотларда табиат руҳий ибтидонинг моддий гавдаланиши деб ҳисобланган ва Худо табиатдан юқори туради, деб тушунилган” .

Айтиб ўтиш лозимки, дастлабки даврдаги ибтидоий одамнинг жисмоний, физиологик, асаб-эндокрин ва биологик каби бир қатор соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу эса нафақат унинг ҳаёти ва фаолиятига, аксинча, унинг фикрлаш жараёнига яъни мантиқий қонуниятларни яратишига жуда сезиларли таъсир ўтказганлигини айтиш зарур. Шу жумладан, уйқу, туш ва нафас олиш каби жараёнларда танани бошқарувчи ва ўлим билан ундан ажратиб турувчи, қандайдир куч мавжудлигига ишонган қадимги одамлар, мазкур куч ҳаракат қилувчи ҳар бир нарсада: хусусан дарё, қуёш, ой, дарахт каби мавжудотларда ғайритабиий куч бор, деб тасаввур қилганлар. Шу жиҳатдан олиб қараганда, материалистик мактаб тарафдорлари фикрига кўра, кўркүв динларнинг келиб чиқишида асосий

Ўрин тутганлигини асослаб беришган. Масалан, инглиз файласуфи Герберт Спенсер ибтидоий қабила динларининг келиб чиқишига асосий сабаб: қўрқув натижасида “аждодларга сиғиниш” жараёнлари, деб таъкидлайди. Шу ўринда яна Макс Мюллер (1823–1900)нинг ҳам фикри этирофга лойиқдир. Хусусан, у диннинг келиб чиқиши табиат ҳодисаларининг инсонга берган даҳшатидан келиб чиққанлигини айтади ва уни “натурализм” орқали очиб беради. Дарҳақиқат, у натурализмни, физикавий муҳитда учрайдиган қувват ва мавжудотларнинг илоҳийлаштирилиши эканлигини тарғиб қилади. Жумладан, ушбу фикрни ҳиндуизмнинг муқаддас китоби ведаларга таяниб асослаб беради. Шу жиҳатдан олиб қарасак, у ведалардаги худо номларининг табиат ҳодисалари билан алоқадор эканлиги фикрини асослашга ҳаракат қилади; мисол учун “Агни” худосини оловга ва “Дяус” худосини осмон каби рамзий маънолари мавжудлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, унинг фикрича, деярли ҳамма динларда худо номлари, дастлаб табиат ҳодисаларини билдириши ва табиат кучларига ғайритабиий баҳо бериш мойиллигини эътироф этади.

Таҳлилимизча, Қадимги туркийлар эътиқодига кўра, бутун табиат устидан ягона ҳукмдор бўлган Тангри ўзига бир қатор кўмакчи маъбудларни яратганлигига дуч келамиз. Жумладан, бу ерда Умай тангриси пантеон бўлиб, хусусан, у ер, сув, олов, қуёш, ой, юлдузлар, ҳаво, булут, шамол каби бир қатор маъбудлардан ташкил топганлигини тилга олиш лозим. Ш.Шаякубов фикрича: „ Тангри бутун борлиқнинг яратувчиси, чексиз фазода фақат унинг ўзи ҳамма нарсадан воқиф, адолатли ва марҳамат эгаси бўлган эркак қиёфадаги ягона худо сифатида тасаввур қилинган” . Шу жиҳатдан келиб чиқиб айтганда, Тангри мовий ва буюк деб тасаввур қилинган коинотнинг эгаси бўлиб, унинг доимий яшаш макони осмон орқали акс эттирилган.

Дарҳақиқат, Тангричилик таълимотида табиат ва одамлар ўртасида чегара яъни меъёр бўлиши лозимлигига урғу берилади. Шу жумладан, одамлар табиатга нисбатан меъёрдан ортиқ зарар келтирса, унда табиат руҳларининг розилигига бағишлаб қурбонлик қилиши шарт ҳисобланган. Қурбонликлар йирик тоғлар ёки дарёлар олдида оммавий равишда ўтказилган. Дарахтлар орқали маъбудлар озикланади, - деб эътиқод қилингани сабабли қурбонлик қонлари дарахтлар остига қуйилган. Лекин, одамлар табиат руҳларини ўзларига ҳамкор сифатида қарашган, уларни қариндош ёки аждодлар руҳлари деб билишган . Бизнинг фикримизча, ушбу таълимотнинг ижобий томони шундаки, одамларга атроф-муҳитга

нисбатан шавфқатли муносабатда бўлишга ва табиат билан бевосита ҳамкорликда яшашга тарғиб қилинган. Зеро, одамлар табиатга ўзининг муносабати орқали ғайритабиий кучнинг ҳам қадратини тушуниб борганлигини эътироф қилиш лозим.

Ўз навбатида, дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўлишидан бошлаб инсонлар орасида уруғ-қабила динлари, миллий динлар ва жаҳон динлари вужудга келганлигини айтиш жоиз. Шу билан биргаликда инсоният тараққиёти мобайнида дин билан узвий боғлиқ бўлган жуда кўп воқиа ва ҳодисалар табиат билан аълоқадор ҳолатда юзага келганлигини таҳлил қилиш мумкин. Дарҳақиқат, бунинг натижаси ўлароқ қадимда пайдо бўлган анимизм, тотемизм, фетишизм, шомонизм ва магия каби ибтидоий динлар табиат билан узвий боғлиқ равишда яъни табиатдаги нарсалар ва ҳодисаларни ғайритабиий мавжудодларга боғлаб ўрганиш натижасида пайдо бўлганлиги олимлар томонидан чуқур ўрганиб чиқилган.

Ўз навбатида, динни ўрганишга нисбатан тарихий нуқтаи назардан бир қатор мактаблар шаклланган, деб изоҳлаш мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, диннинг келиб чиқиши тўғрисидаги мифологик мактаб асосчиси бўлган М.Мюллер динни филологик тадқиқ этиш, ҳозирги кунгача етиб келмаган динларни уларда сақланиб қолган ёдгорликларига қараб аниқлаш ва бунинг учун динни қиёсий ўрганиш услубини тарғиб қилади. Д.Рахимджанов, О.Ерназаров ёзишича: „ Мюллер диннинг асосида ибтидоий инсоннинг табиат ҳақидаги қарашлари ётади деб ҳисоблаб, диннинг натуралистик назариясини илгари сурди . Юқоридаги фикрга асосланиб айтиш лозимки, ҳақиқатдан ҳам динлар юзага келишига дастлаб қадимги одамларнинг табиат ҳақидаги қарашлари сабаб бўлган. Чунки инсоният ўша даврларда фақат ўзининг атрофидаги табиатнигина тасаввур қила олган ва секин-асталик билан табиат ҳодисалари бўлган ғайритабиий кучлар ҳақида фикр билдирганлар, деб айтиш мумкин. Зеро, унинг таъкидлашича, дин қадимги натурфалсафа бўлиб, шунга кўра диннинг бошланғич асоси миф, диннинг вазифаси эса миф қаҳрамонларининг ҳақиқатини очиб бериш, деб изоҳлайди. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилиш лозимки, шу тариқа монотеизм йўлидаги биринчи қадам – «Буюк руҳ» ғояси юзага келган. Унга кўра, «Буюк руҳ» маҳзанига эришиш учун шаманга инсонлар олами ва арши аълони бирлаштирувчи бўғин талаб қилинишини таъкидлаш лозим.

RAHBAR PSIXOLOGIYASI HUSUSIDA MUTAFAKKIRLARNING QARASHLARI TAHLILI

Qobilov Husniddin

Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on tumani 53-sonli

umumta'lim maktabi tarix fani o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7127436>

